



210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko'chasi, 7-uy

20¹⁴ yil "05" 06 № 224

BUYRUQ

"Навоийуран" Давлат корхонаси "Комплаенс назорат" хизмати томонидан амалга ошириладиган ишларига ҳамда ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши курашиб менежменти" халқаро стандартига мувофиқлик сертификатини қўлга киритишга оид ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги "Коррупцияга қарши курашиб тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сон фармони, 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиб фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5177-сон Қарори, 2022 йил 11 майдаги "Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-240-сон Қарори, 2022 йил 12 январдаги "Коррупцияга қарши курашиб ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-81-сон Қарори ҳамда 2023 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида "Коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-200-сон Фармони талабларини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. "Навоийуран" давлат корхонаси Комплаенс хизмати томонидан амалга ошириладиган ишларига ҳамда ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши курашиб менежменти" халқаро стандартига оид идоравий ҳужжатлар:

- Коррупцияга қарши курашиб Сиёсати 1-иловага;
- Комплаенс хизмати бошлиғининг лавозим Йўриқномаси 2-иловага;
- Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти 3-иловага;
- Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом 4-иловага;
- Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 5-иловага;

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома 6-иловага;

Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома 7-иловага;

Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 8-иловага;

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом 9-иловага;

Ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти 10-иловага;

Одоб-аҳлоқ Кодекси 11-иловага;

Одоб-аҳлоқ комиссияси тўғрисида Низом 12-иловага;

Совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, корхона харажатларини амалга ошириш бўйича Сиёсати 13-иловага;

Корхонасида хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Сиёсати 14-иловага;

Тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш Сиёсати 15-иловага;

Комплаенс хизмати фаолияти тўғрисидаги Низом 16-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. “Навоийуран” давлат корхонасининг 2022 йил 18 январдаги “Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемаларини, тартибларини ва низомларини, шунингдек, харид комиссиялари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 20-сонли буйруғи, 2022 йил 30 майдаги “Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемасини, тартибларини ва низомларини, шунингдек, харид комиссиялари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 190-сонли буйруғи, 2022 йил 13 январдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 20-сонли буйруғи, 2022 йил 23 сентябрдаги “Навоийуран” давлат корхонаси “Лойиҳа офиси томонидан товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 327-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти” халқаро стандартига мувофиқлик сертификатини қўлга киритиш ишлари амалга оширилсин.

4. Мазкур буйруқда қайд этилган Низом, регламент, йўриқнома, сиёсат, услубиёт ва иш режалар Кузатув кенгashi мухокамасида тасдиқлангунга қадар “Навоийуран”ДК томонидан тасдиқланиб, вақтинча амалиётда фойдаланилсин.

5. Бош директорнинг ўринбосари – Лойиҳа офиси раҳбари Х.Т.Хайдаров, Корпоратив хизмати раҳбари Е.А.Артюшова мазкур буйруқнинг 1-бандига асосан тасдиқланаётган идоравий ҳужжатларни Кузатув кенгashiда тасдиқлатиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Комплаенс хизмати зиммасига юклатилсин.

Бош директор

Дж.С. Файзуллаев